

# Ўзбекистон Президенти ва Саудия Арабистони Валиаҳди кенг кўламли шериклик муносабатларини янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар



Uzbekistan Republic President's Office  
MATBUOT XIZMATI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 июль куни Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши ва Марказий Осиё мамлакатлари етакчиларининг биринчи саммити доирасида Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Бош вазири Мухаммад бин Салмон Ол Сауд билан учрашув ўтказди.

Валиаҳд давлатимиз раҳбарини бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан дildan қутлаб, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилади.

Мамлакатимиз етакчиси, ўз навбатида, Саудия Арабистони раҳбариятига юртимиз фуқаролари ҳаж ва умра амалларини адо этишларига яратилган шароитлар учун самимий миннатдорлик билдириди.

Музокараларда Ўзбекистон-Саудия муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро мулоқот ва алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йилнинг август ойида ўтган икки томонлама саммит давомида қабул қилинган битим ва келишувларни сўзсиз амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Жорий йил бошидан товар айрбошлаш ҳажми 20 фоизга, қўшма корхоналар сони икки баробарга ошди. Етакчи "Acwa Power" компанияси иштирокида "яшил" энергетикада муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. "Яшил водород", нефть-кимё, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, тиббиёт, туризм ва бошқа тармоқларда йирик инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Учрашувда халқаро сиёсат масалалари юзасидан ҳам фикр алмашылди.

**Манба**